

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

Хизмат номи: Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатини кўриб чиқиш

Хизмат ҳақида:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига ариза, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Хизматнинг соҳага тегишлилиги:

Барча соҳалар учун.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси:

Жисмоний ва юридик шахсларга.

Боғланиш:

Навоий вилояти ҳокимлиги.

Хизматни кўрсатиш учун керак бўладиган ҳужжатлар (нусхалар сони):

Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасини исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси:

1. ”Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (ЎРҚ-378-сон 2014 йил 3 декабр)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 август “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳақорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 181-сонли қарори

Хизматлар нархи ва тўлаш тартиби:

Бепул

Хизмат кўрсатиш муддати:

Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиш шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатлар сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Натижани олиш усуллари:

Мурожаатчига мурожаат натижаси ҳақида ёзма шаклда хабар берилади, ёзма хабар почта ёки электрон почта орқали жўнатилади.

Хизмат натижаси:

Мурожаатчига мурожаатни кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда

хабар қилиши шарт. Мурожаат жавобини давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс имзолайди.

Рад этиш сабаблари:

Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

Ананим мурожаатлар;


Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Шикоят аризаси бериш тартиби:

Ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар жисмоний ёки юридик шахс қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушинтириши шарт.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ



Жисмоний ва юридик шахслар мурожаати тушган кундан этиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади